



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 23 апрель, № 80 (6263) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Central Asia — 2015" — "Фан, таълим, маданият ва бизнесда ахборот-кутубхона ресурслари" IX Халқаро анжумани ўз ишини бошлади.

Юксак технологияларнинг беқиёс имкониятлари

Тадбир Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Чехия, Бирлашган Араб Амирликлари, Озарбайжон каби мамлакатлардан соҳа мутахассислари ва экспертлар қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Буюртмачи истаги инobatга олинади

Кенг қўламли модернизациялаш тадбирларидан сўнг Учқудуқ туманидаги "Гули Моҳларойим" хусусий корхонасида тайёрланаётган мебель жиҳозлари тури 100 тага етди.

Ушбу лойиҳа рўёби учун тижорат банкининг 150 миллион сўмлик кредитидан унумли фойдаланилди. Пировардида маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланиб, 10 та қўшимча иш ўрни яратилди. — Мебелларимиз хорижий шу турдаги жиҳозлари билан бемалол рақобатлашади, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Тўлқин Ханнонов. — Биз дастлаб буюртмачи хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда, компьютерда маҳсулот макетини яратамиз. Шундан сўнг ишлаб чиқаришга киришамиз. Бу фаолиятимиз барқарорлигини таъминламоқда.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Табиий маҳсулот

Юқори Чирчиқ туманидаги "Asian Jam" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган қийм ва шинилар қадоғида "табиий маҳсулот" деган ёзув бор.

Корхона мутахассисларининг айтишича, полиз ҳамда бог нематларидан тайёрланаётган ушбу маҳсулотларга, чиндан ҳам, хушбўй ҳид ва ранг берувчи воситалар қўшилмайди. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган илгор хорижий технологик линиялар билан жиҳозланган корхона кунига 2-2,5 тоннагача мева қиймлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Айтиш мумкин, айни пайтда йиғирма кишлоқ жамоа томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозор билан бирга, экспортга ҳам йўналтириляпти.

Жамоа изланишлари туфайли бу ерда яна бир янгилик — қандли диабет хасталигига чалинган беморлар учун мўлжалланган маҳсус шинилар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилда республика Товар-хом ашё биржаси савдоларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан қарийб

3

триллион сўмлик хом ашё ва материаллар сотиб олинди.



Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар доирасида соҳа вакилларининг хом ашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш мақсадида, биринчи навбатда, бундай маҳсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажми кўпайтирилгани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ

Мамлакатимизда ёшларнинг хорижий тилларни пухта ўзлаштириши учун барча шарт-шароит яратилган.

Мустақиллик йилларида юртимиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар билимни, дунёқараши кенг, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни, етук мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этапти.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳиятида ҳам шу мақсад ўз ифодасини топган. Жумладан, унда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.



АЙНИ ПАЙТДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ 9698 ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ БАРЧАСИДА ЧЕТ ТИЛЛАР ЎҚИТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА 94 ФОИЗ ЎҚУВЧИЛАР ИНГЛИЗ, 3,5 ФОИЗИ НЕМИС ВА 2,5 ФОИЗИ ФРАНЦУЗ ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДА.

Мазкур қарор асосида уч ярим миллион нафардан зиёд ўқувчилар чет тилларни жаҳон таълим стандартлари асосида ўзлаштиришга киришди. Республикаимизнинг чекка туман ва овулларидида мактабларда ҳам замонавий фан кабинетлари ташкил этилиб, улар зарур ўқув жиҳозлари, кўргазмалари во-

ликаимизнинг чекка туман ва овулларидида мактабларда ҳам замонавий фан кабинетлари ташкил этилиб, улар зарур ўқув жиҳозлари, кўргазмалари во-

ситалар, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланмоқда. Маълумки, ҳар бир фан ўқувчиларга дарслик ёрдамида ўргатилади. Унинг ҳам мазмун, ҳам шакл

жиҳатидан қанчалик пухта яратилгани эса таълим самарасини белгиловчи асосий мезонлардан бири саналади.

(Давоми 3-бетда).

«Буюк Ипак йўлидаги Ўзбекистон»

Мадридда юртимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб ўтказилган тақдимот маросими ана шундай номланди.

Ўзбекистон Республикасининг Испаниядаги элчихонаси томонидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган "Dolores Travel Services" ҳамда маҳаллий "САТА" сайёҳлик операторлари билан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур тадбирда Испаниянинг қатор сайёҳлик компаниялари вакиллари қатнашди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тақдимот чоғида ўзбек халқининг ноёб тарихий-маданий мероси ҳамда урф-одат ва анъаналари, мамлакатимизнинг бой табиий ва сайёҳлик имкониятлари мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Республикаимиз сайёҳлик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ноёб меъморий ёдгорликларни таъмирлаш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар



билан уйғунлашиб кетган мамлакат ҳисобланишини қайд этди. Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Шаҳрисабз сингари шаҳарлардаги кўпгина тарихий-меъморий ёдгорликлар ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилгани, бу эса республиканинг жаҳон сайёҳлик бозорида катта обрў-эътиборга эга эканлигини далилат беришини алоҳида таъкидлади. — Ўзбекистон цивилизациялар

бешиги ҳисобланади, — деди "Irbis Viajes" сайёҳлик компанияси вакили Луис Мартинес. — Ўзбек халқининг очикқўнчилиги ва меҳмондўстлиги мамлакатингизга келган сайёҳларда унутилмас таассуротлар қолдирмоқда. Ўтган йили БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда муваффақиятли ўтгани ҳам Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салмоқли ютуқларининг алоҳида эътирофи бўлди.

Ўз навбатида, "Apetece Viajar" компанияси директори Палома де Леон ўзбек халқининг маданияти, миллий ошонаси ва кўп асрлик анъаналари жаҳон сайёҳларининг эътиборини жалб қилаётган омиллардан саналишини айтди. У ўзи раҳбарлик қилаётган фирма томонидан Ўзбекистон бўйлаб уюштирилаётган саёҳатларда испаниялик сайёҳларнинг сонини ошириш режалаштирилаётгани ҳам маълум қилди.

«Жаҳон» АА. Мадрид

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи 96 ёшли Убайдулла Зубайдовнинг хонадонига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари совға-саломлар билан ташиф буюриб, отахоннинг ҳолидан хабар олишди.

Ҳамиша меҳр ва эътибор оғушида

Пири бадавлат бу инсонга қўни-қўшни, маҳалладошлар ҳузурини "Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги ҳамда 2015 йил 6 мартдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонлари асосида Бухоро вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ана шундай тадбирлар кўтарилиб, юксак савияда ташкил этиляпти.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг шу йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси

(Давоми 2-бетда).

Тадқиқот ва тараққиёт

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасини ўтказиш анианга айланди.

ЯРМАРКА

Бу эса бевосита тадқиқотчилар ҳамда ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустақкамлаб, энг сўнгги ихтироларни иқтисодий имкониятнинг турли тармоқларига жадал татбиқ қилишда катта аҳамият касб этмоқда. Жиҳаз шахрида ҳам ана шу нуфузли тадбирга тайёрларлик доирасида ҳудудий ярмарка ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурини Фан ва технологияларни ривожлан-

тиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ҳамда Жиҳаз вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази томонидан уюштирилган мазкур тадбирда Тошкент, Самарқанд ҳамда Жиҳаздаги олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари олимлари ва ёш тадқиқотчилар томонидан 170 дан зиёд илмий ишланмалар намойиш қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Ички ишлар вазирлиги Академиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда "Терроризмга трансмиллий таҳдид сифатида қарши кураш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

маси Ижроия қўмитаси директори ўринбосари В. Буров, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Д. Сабо ва бошқарув халқаро конференция мавзуси бугун нҳоятда муҳимлигини ҳамда бу борада дунё-

Долзарб масала муҳокамаси

"Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қўмаклашиш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур анжуманда халқаро тузилмалар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбир очилишида сўз олган ИИБ Академияси бошлиғи, генерал-майор

Ш. Икромов, ЕХТ Котибятининг Трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш департаменти директори А. Лиженов, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари А. Миттал, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф. Дадаҳўжаев, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузил-

даги барча тараққийпарвар кучлар ҳамкорлиги зарурлигини алоҳида қайд этишди. Конференцияда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси ҳамда ЕХТ Котибятини мутахассислари маърузалари тингланди.

(Давоми 2-бетда).

СЕМИНАР

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Янги ижтимоий-сиёсий шароитларда парламент ва депутатлик назорати самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари: қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти" мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Парламент назорати самарадорлигини ошириш — давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йилга валелугси йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижроси доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутатлари ва доимий комиссиялари раислари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда жамиятни демократлаштириш борасида изчил ислохотлар ҳаёtgа татбиқ қилинмоқда. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг аҳамияти тобора ортиб бораёпти. Бу эса қонунлар қандай ижро этилаётганини ўрганиш ҳамда уларнинг амалиётдаги самарасини аниқлашнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилаётди.

Мазлумки, парламент юқори палатасининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисида қонун чиқаруви органда, энг аввало, минтақаларнинг манфаатларини ифода этувчи сенаторлар жойларда қонунларнинг, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга доир энг муҳим давлат дастурларининг ижросини ўрганишда, худудлар муаммоларини аниқлашда, қонунлар устида ишлаётганда минтақалар манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишлари зарурлиги таъкидланган эди.

Семинарда жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида парламент назоратини кучайтириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида қонунийлик, очиқлик ҳамда ошқораликни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бунда сенаторлар ва депутатлар ўз фаолиятлари доирасида парламент назоратининг сенатор ҳамда депутат сўровини юбориш туридан кенг фойдаланиб, мансабдор шахсларнинг муайян масалалар юзасидан ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориши муҳимлиги ҳам таъкидланди.

Шу сабабли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонунлар ҳамда энг муҳим давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасидаги фаолияти устидан парламент назоратини амалга олишнинг аҳамияти тобора ортиб бораёпти. Бу эса қонунлар қандай ижро этилаётганини ўрганиш ҳамда уларнинг амалиётдаги самарасини аниқлашнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилаётди.

Семинарда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. **М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Навқирон авлод камолоти йўлида

Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди. Худди шу мақсадда мамлакатимизда қабул қилинган умуммиллий дастурлар, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўғил-қизларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишларини таъминлашга қаратилган хайрли ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Бу борада халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган. Бинобарин, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қўша мажлисидаги маърузасида маҳаллий Кенгашлар ҳамда уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини янада самарали ташкил қилиш бўйича белгилаб берилган комплекс чора-тадбирлар ишिमизни принципал ҳиҷатдан қайта кўриб чиқишимизда муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш лозимки, бугун вилоятимиз аҳолисининг 1,5 миллион нафардан зиёдини, яъни қариб 57 фоизини ёшлар ташкил қилади. Улар ҳар жабҳада ташаббускор, интилувчан, фаол. Интеллектуал салоҳияти юқори. Бунга кўйилган рақамлар ҳам яққол ифода этди. Чунончи, вилоятимиз спортчи ёшларининг 350 нафарга яқини жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпиони ҳисобланади. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган истеъдодли қизларимиз сонини 15 нафарга етган бўлса, санъат йўналишидаги излашчилари ва ёрқин ижоди билан кўзга кўринган 10 га яқин иқтидор соҳибини "Нихол" мукофотини қўлга киритди. Илмий-ижодий фаолият олиб бораётган ёш олимларимиздан ўн нафардан зиёди нуфузли илмий даражалар соҳибига айланди. Кейинги йилларда 2 мингга яқин ёш тадбиркор, фермер ва хунармандларимиз имтиёзли кредитлар ҳисобидан бизнес фаолиятини кенгайтирган бўлса, 3 мингдан ортққ ёш оила молия муассасаларининг кўмаги билан ўй-жой, маиший шароитларини яхшилаб олди.

Албатта, режалаштирилган ҳар бир чора-тадбир аниқ манзилли асосга эга, энг муҳими, ҳаётга яқин, ён-атрофда кечаётган жараёнлар билан ҳамоҳанг бўлсагина, бекам куёт рўёбга ошади. Шундан келиб чиқиб, режаларимизни белгилашда вилоятимизнинг ўзига хос хусусиятлари, ёшларимиз ҳаёти, ўй-кечинмалари, мақсад-муддаолари ва уларни ўйлантираётган муаммолар ечимлари билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратганмиз. Қолаверса, иш режамиз ҳар бир бандининг ижро мuddатини жамиятда кечаётган ўзгаришлар, кундалик воқеликлар ҳамда муҳим саналар билан боғланган ҳолда қўйганмиз. Масалан, яқинда нишонланган Наврўз байрами муносабати билан ҳамкорликларини қўллаш бўйича доимий комиссияси зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган.

Тақозоси, ёшларимиз дунёқараши ва талабидан келиб чиққан ҳолда, доимий комиссиясимиз ўзининг ҳаракат дастурини шакллантирди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қабул қилинаётган қонунларни улар орасида кенг тарғиб этишдан тортиб, эртанимиз давомчиларининг турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, уларни спортга кенг жалб қилиш, бандликни таъминлаш, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш каби муҳим вазифалар фаолиятимиз мезонини ташкил этди.

Умуман, юртимизда кенг нишонланадиган ҳар бир умумхалқ байрамнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, бундай тадбирларни йил бўйи ўтказишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши аҳоли, таълим муассасаларида ўқитиш сифати, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, махсус ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида ногирон болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган моддий-техник базани мустаҳкамлаш каби масалаларни атрофлича ўрганиб, бу борадаги мавжуд муаммоларга тезкор ечим топишга кўмаклашишни мақсад қилганмиз.

Бунинг учун доимий комиссиямиз аъзолари билан йиғилишиб, тааллуқли масала ва тақлифларни, жойлардан тушган ариза ҳамда шикоятларни муҳокама этишга,

Тадқиқот ва тараққийёт

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Жумладан, мукобил энергия қурилмалари, ахборот-коммуникация технологиялари, нанотехнологиялар ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига хизмат қилувчи ишланмалар афзалликлари хусусида иштинроқчиликларга атрофлича маълумот берилди.

Масалан, Жиззах политехника институти олимлари яратган шамол ёрдамида энергия ишлаб чиқарувчи ускуна кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу

ихтиро чўл ва тоғ шароитида ҳам фойдаланишга қўлайлиги боис, айниқса, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари мутасаддиларига манзур бўлди.

Шунингдек, ярмарка доирасида "Жиззах" маҳсулоти ҳақида тадқиқотчиликларини қўллаш бўйича доимий комиссияси зиммасига ҳам катта вазифалар юкланган.

Ҳамиша меҳр ва эътибор оғушида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Юртимиздаги тинчлик-фаровонликка кўз тегмасин, — дейди уруш қатнашчиларидан яна бири Нўғмон Фуломов. — Шукр, шундай кунларни кўриш бизга насиб этди. Мустақиллик шарофати билан

турмушимизга барака кирди, шаҳару қишлоқларимиз обод бўлди. Бугун кексаю ёш бирдек ардоқланаёпти. Ўзимиздан қиёс. Давлатимизнинг ғамхўрлигини доимо ҳис этиб турамыз. Нафақат байрамларда, балки ҳамиша маҳалла фаоллари, жамоатчилик ташкилотлари ҳолимиздан хабардор. Шу боис ҳам ёшларга насиҳат қилганда, "Дориламон кунларнинг қадрига етинглар, юртимизга муносиб фарзанд бўлинглар", дея ўқирамыз.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини тақдирлашга бағишланган асосий тадбирлардан бири "Бухоро" маросимлари унда ўтказилди. Кечада уруш ва меҳнат fronti фахрийларига эсдалик юбилей медаллари ҳамда пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоятнинг бошқа жойларида ҳам ана шундай тадбирлар уюштирилмоқда. **Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Тоғир ИСАТОВ (ўса) олгон сўрат.

Юксак технологияларнинг беқийс имкониятлари

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 23 февралдаги "2011 — 2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Бугунги кунда замонавий технологиялар иқтисодийнинг барча тармоғига кириб бораёпти. Айниқса, улар орасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бошқа соҳаларга нисбатан изчил ривожланиётди. Ушбу хизматлар ҳажми сўнгги беш йилда 3,3 баробар, ўтган йили эса 24,5 фоиз ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Иқтисодийтимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олиб, бундан икки йил муқаддам 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди.

Ҳалқаро анжуманининг биринчи кунинда "Ахборот-кутубхона мақоми ривожланишида кутубхоналарнинг тутган ўрни ва аҳамияти" мавзусида бундай муассасаларнинг илм-фан, маданият ҳамда таълим равнақидаги роли, наشريётлар, архивлар ва музейлар билан ҳамкорлиги, фойдаланувчиларнинг мутлола ҳамда ахборот маданияти, медиа саводхонлигини шакллантириш масалаларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди.

Тадбирнинг иккинчи кунинда ахборот-кутубхоналарда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, уларга энг сўнгги янгилликларни жорий қилиш масалаларига бағишланган шубъа мажлислари, давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, анжуман доирасида семинарлар, маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, танқили ижодкорлар билан бевосита учрашувлар ташкил этиш, пойтахтимиздаги ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти билан танишиш кўзда тутилган. **Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

